

1938 Й И Л ...

**Баймухамбетова Раҳима Калбаевна***ЖДПИ академик лицейи тарих фани ўқитувчиси*

Мазкур мақола, Ўзбекистон тарихининг қора қунлари ҳисобланган қатоғон даври ҳақидадир. Сталин режими, катта террор ва унинг оқибатлари, айнан 1938 йилнинг дахшати, қурбонлари, нафақат Ўзбекистонда, балки бутун Иттифоқда 1937-1939 йиллар оралиғида ўлимга ҳукм қилинганлар тўғрисида статистик маълумотларга тўхталиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** Социализм, Сталин режими, қатоғонлик, буржуа-миллатчилик, аксиланкилобчилик, “тозалаш” ишлари, шаҳидлар хотираси, адабиёт, санъат, маданият, Файзулла Хўжаев, Турор Рисқулов, Худойберган Девонов, Миркомил Миршаропов, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон.

**Ключевые слова:** Социализм, сталинский режим, репрессия, буржуазный национализм, контрреволюция, “чистка” памяти жертв репрессий, литература, искусство, культура, Файзулла Ходжаев, Турар Рыскулов, Худойберган Деванов, Миркомил Миршаропов, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулхамид Чўлпон.

*Ўтган кунинг -ўтган кундир, Ўз бошингга етган кун,  
Қодирийни берган замин, Қодирийни сотган кун.  
Кўлин боғлаб, Дилин доғлаб, Етаклашиб кетган кун,  
"Воҳ болам" деб айтолмаган Дудугимсан, Ватаним.  
(Муҳаммад Юсуф)*

1938 йил нафақат Ўзбекистон ҳаётида балки бутун Иттифоқда, жуда кўплаб халқлар, миллатлар, давлатларнинг тақдирида машъум йил бўлиб қолди. Инсонларнинг инсончалик қиммати бўлмаган, одамлар юрагига кўрқув ва ваҳима солган, адолат ва ҳақиқат деб аталмиш тушунчалардан соқит йил эди. Бу йилга қадар ва ундан кейинги йиллар руҳан эзилиш, жисмонан йўқ бўлиш, ўз ўзини қутқариш, бир-бирини сотиш, ор-номусдан, керак бўлса ўзлигидан, иймондан кечиш давлари бўлди. Гўёки сотциалистик тузумни ҳимоя қилиш учун “ёд унсур”ларга қарши бошланган кураш, аслида халқлар, миллатлар, инсониятга қарши бошланган қатоғонлик сиёсати эди. Бу кураш, совет ҳокимияти бошқарувни қўлга олиб, ўз жойида мустахкамланиб олгач бошланган бўлиб, то унинг сўнгига қадар ўзини ҳар-хил кўринишларда номоён этиб турди. Туркистон, Бухоро, Хоразм диёрларида унга қарши бўлганларни қирди, унга ишонган ва унинг кучайиши билан порлоқ келажакка умид боғлаганларни алдади. Уни ёмон кўрганлардан тортиб уни дегувчиларни ҳам ўз қирғинида топтаб ташлади.

XX-асрнинг 20-йиллари иккинчи ярмига келиб советлар мамлакатининг ҳокимият бошқарув-идора тизимида ҳам кескин ўзгариш ҳоллари юз берди. Сталин аста-секинлик билан ўзининг яқка ҳокимлигини бутун чоралар билан қарор топтириш

ҳаракатида бўлди. 20-йиллар охирларида Сталин томонидан янги назарий қараш сифатида илгари сурилган “Социализм мустаҳкамланиб борган сари синфий душман қаршилиги ҳам шунчалик кучайиб боради” деган ғоя ғайриқонуний хатти-ҳаракатларнинг авж олишига олиб келди. Сталин режими дея ном олган бу сиёсат айниқса 1953 йилгача Сталин вафотида қадар қаттиқ кучайди. Мустабид тузум Марказдан Ўзбекистонга ўзининг кўп сонли садоқатли ходимлари, вакиллари раҳбарлик лавозимларида ишлашга узлуксиз юбориб турди. Улар ёрдамида ўлка ҳаётида кечаётган барча жараёнлар, ўзгаришлардан доимий хабардор бўлиб, маҳаллий кадрлар фаолиятини кузатиб, назорат қилиб борди.

Уларнинг атайин тўқиб чиқарилган кўплаб “айблов иш” ларига сиёсий тусберилади..

Ўзбекистон равнақи, истиқболи учун фидойилик кўрсатган Файзулла Хўжаев, Турар Рисқулов, Абдулла Раҳимбоев, Акмал Иқромов, Исроил Ортиқов, Абдулла Каримов ва бошқа ўнлаб номдор маҳаллий раҳбар кадрларнинг ҳаёт қисмати ҳам пировардида фожеа билан якун топди. Мустабид тузум ҳукмдорлари ва улар гумашталарининг енг шимариб қилган саъй-ҳаракатлари натижасида 1937–1938-йилларда гўё Ўзбекистонда бир қатор йирик “аксил-инқилобий тузилма”лар борлиги тўқиб чиқарилди. Булар республика раҳбарлари А.Иқромов ва Ф.Хўжаев бошчилигидаги “Буржуа-миллатчилик аксил-инқилобий маркази”, Абдурауф Қориев раҳбар бўлган “Мусулмон руҳонийларнинг миллатчи-исёнчилар ташкилоти”, “Аксил-инқилобий ўнг тротскийчи жосуслар ташкилоти маркази”, “Бухоро ва Туркистон бахт-саодати” номли аксил-инқилобий ташкилот, И.Ортиқов бошлиқ “Ёшларнинг аксил-инқилобий буржуа-миллатчилик ташкилоти”, “Инглиз жосуслик резидентураси”, “Япон жосуслик-қўпоровчилик резидентураси” ва бошқалар бор эди. Энг сўнгги маълумотлар, тарихий ҳужжатларни ҳар томонлама ўрганиш, таҳлил қилишлар, суриштиришлар бундай ташкилотларнинг республика ҳудудида бутунлай бўлмаганлигини тасдиқламоқда. Демак, бундай “аксил-инқилобий тузилма”лар катагонлик тузуми буюртмаси асосида Марказ жаллодлари ва жазо органлари томонидан атайин тўқиб чиқарилган. Бунинг орқасида минг-минглаб бегуноҳ, айбсиз инсонлар шафқатсиз жазоланган, азиз умрлари хазон бўлган. Фақат 1937–1939-йилларда Ўзбекистонда ҳаммаси бўлиб 43 мингдан зиёд киши қамоққа олинган. Улардан 6 минг 920 нафари отиб ташланган, 37 минг нафари эса турли муддатли қамоқ ва сургунларга ҳукм этилган.<sup>1</sup>

Фақат давлат ва жамоат арбоблари, ёзувчи, шоир, олимлардан 5758 нафар киши қамоққа олиниб, улардан 4811 нафари отиб ташланган эди.<sup>2</sup>

Умумий ҳисобда бутун Иттифоқда 1937 йилнинг август ойидан 1938 йилнинг ноябр ойигача бутун иттифоқда 1 млн 548 минг 366 нафар шахс ҳибсга олиниб, шулардан 1 млн 344 минг 923 нафари қамалади ва 681 минг 692 нафари отиб ташланади. Бу ўртача ҳисобда кунига бир ярим минг одам дегани эди.<sup>3</sup>

Тарихчи олим В.Н. Земсковнинг ёзишича сиёсий жиноят содир этганликда айбланиб, 1 372 382 нафар одам қамоққа олинган ва 681 692 нафари отилган. Бу эса Сталин ҳокимият тепасида турган 1921-1953 йиллар давомида отилган 799 455 нафар

давлат учун хавфли ҳисобланган сиёсий маҳбусларнинг 85 % айнан шу икки йил ичида отиб ташланган. Сталиннинг маҳсус ўлимга ҳукм қилинганлар рўйхатида бошқарув соҳасида, жумладан НКВД (Ички Ишлар Ҳалқ Коммисарлиги) ва РККА (Ишчи-деҳқон қизил армия) ходимларининг 43 768 нафари ўлимга маҳкум эдилар. “Тозалаш” ишлари даврида ЦК ВКП ( Бутуниттифоқ Коммунистик Партияси Марказий Қўмитаси) ва НКВД органларида ишловчиларнинг 78 % фоизи қатағон қурбони бўлади. Тарихчи В.Н. Хаустов 1937-1938 йилдаги қатта қатағонга Сталиннинг 1937 йилги “Пролетар диктатурани кучайтирган ҳолда, синфийликка қарши курашиш, синфий бўлинишни тугатиш, капиталистик синфни йўқ қилишда ички ва ташқи кучларга қарши аёвсиз курашиш” тўғрисидаги тезиси ҳамда унинг асосида қабул қилинган [ЦК ВКП\(б\)](#) Сиёсий Бюросининг қарорлари сабаб бўлган. “Қатта террор” терминини биринчи бор британиялик тарихчи [Роберт Конквест](#) ўзининг “Қатта террор” деб номланган китобида ишлатган. СССРнинг ўзида эса 1937- 1938 йиллардаги бу ҳолат ўша пайтда ички ишлар Ҳалқ Коммисари Н.И. Ежов номи билан боғланиб, “ ежовщина” деб аталган. Айтиш жоизки бу статистик маълумотлар фақат расман отувга ҳукм қилинганлар сони, булардан ташқари қанчаси тергов азобига чидай олмай, яна қанчаси антисанитария ва совуқдан кассаллик орттириб ҳалок бўлганлар.<sup>4</sup> Ўзбекистоннинг 1937-1938 йиллардаги тарихи оғир фожиаларга тўла бўлди. Энг аянчлиси, мустабид тузум, ҳукмрон мафкура боис қатағон қурбонларининг номи узоқ вақт давомида қораланди, уларнинг оила аъзоларига нисбатан ҳам маломат тошлари отилди. Фақат мустақиллик йилларидагина Республикамизда адолат қарор топиб, ноҳақдан қатағон қилинган юртдошларимизни номма-ном аниқлаш, хотираларини абадийлаштириш борасида хайрли ишлар амалга оширила бошланди.

Республикамизда қатағон қурбонлари тарихи ва тақдирини ўрганиш, уларнинг номларини абадийлаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 12 майда эълон қилинган фармойиши ва 22 июлда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарорларидан сўнг кенг йўлга қўйилди. Ана шу ҳужжатлар асосида «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси тузилди. Тошкентда «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 1 майда қабул қилган "Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида"ги фармони ҳам ноҳақдан қатағон комига тортилган ватандошларимиз тарихини татбиқ этиш учун қатта имконият яратди. Ушбу фармонда шундай дейилган: “Эл-юртимиз озодлиги ва эркинлиги йўлида, халқимизнинг кадр-қиммати, ор-номусини, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизни ҳимоя қилишда, босқинчи ва ёвуз кучларга қарши машаққатли курашларда қурбон бўлганлар хотираси миннатдор авлодлар ёдида абадий сақланиб қолади.

Мустабид тузум даврида миллион-миллионлаб бегуноҳ инсонларнинг умри хазон бўлганини, қанча-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, қанча-қанча гўдаклар етим қолганини тарих, бугунги ва келажак авлод ҳеч қачон унутмайди».

Ўзбекистонда советлар томонидан амалга оширилган оммавий қатағонлар тарихини татқиқ этиш, қатағон қилинган юртдошларимиз номини аниқлаш ва уларнинг аянчли қисматини ўрганиш борасида Андижон давлат университети тарихчи олимлари томонидан салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг саъй-ҳаракатлари билан 2005-2009 йилларда 5 жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китоблари чоп этилди. Ушбу беш жилдлик китобларда 1937-1938 йилларда Ўзбекистонда ноҳақдан жазога тортилган жами 14589 нафар қатағон қурбонлари номма-ном келтирилган, улар ҳақида маълумотлар берилган.

Профессор Р.Т.Шамсутдиновнинг "Ўзбекистонда советларнинг қатағон сиёсати ва унинг оқибатлари" деб номланган салмоқли монографияси чоп этилди. Ушбу асар олимнинг аввалги тадқиқотларининг узвий давоми бўлиб, унда совет ҳокимияти томонидан амалга оширилган оммавий қатағонларнинг юзага келиш сабаблари, унинг моҳияти ва оқибатлари масаласи атрофлича татқиқ этилган. Асарнинг биринчи бобида 1938 йил октябрида Тошкентда СССР Олий суди Ҳарбий коллегиясининг сайёр сессияси йиғилишларида сиёсий жиҳатдан айбланиб қатағон қилинган юртдошларимизнинг бир қисми ҳақида илмий, тарихий, биографик маълумотлар келтирилган. Ҳарбий коллегиянинг 1938 йил 4 октябрдан 16 октябргача бўлган сайёр йиғилишларида 507 нафар ўзбекистонлик маҳбуслар устидан ҳукм чиқарилган. Қатағон қилинган бу юртошларимизнинг мудҳиш тақдирдан гувоҳлик берувчи бу маълумотларнинг муҳимлиги шундаки, унда жазога тортилганларнинг тўлиқ таржимаи ҳоли ва суръатлари монографияда биринчи бор эълон қилинган.

Ҳарбий Коллегиянинг 1938 йил 4 октябрдаги йиғилишида отув жазосига ҳукм қилинганлар рўйхатини кўздан кечирар эканмиз, улар орасида Раҳим Иноғомов, Усмонхон Эшонхўжаев, Рустам Исломов, Файзулла Раҳимбоев, Акбар Исломов, Саъдуллахўжа Турсунхўжаев каби давлат ва жамоат арбоблари, Абдулла Қодирий, Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби халқнинг ардоқли шоир ва ёзувчилари, Ғози Олим Юнусов, Қаюм Рамазон, Отажон Ҳошимов, Мажид Қодиров, Зиё Саидов каби адабиётшунос олимлар ҳам борлигини кўраемиз. Улар ҳукм чиқарилган куниёқ, 1938 йилнинг 4-октябрида, қатл этилган.

Ушбу китобнинг диққатга сазовар жиҳати шундаки, СССР Олий суди коллегияси жуда катта ўзбошимчаликларга йўл қўйгани, Марказий Комитет сиёсий бюроси томонидан жазога ҳукм қилинганлар рўйхатига бир нечта ортиқча фамилияларни кўшиб юборганини фош қилиб беради. Хусусан, Сиёсий бюро аъзолари: И.Сталин, В.Молотов, Л.Кагонович, К.Ворошилов, А.Ждановлар 1938 йил 28 март санаси билан имзо чеккан руйхатда ўзбекистонликлардан 165 киши отувга ҳукм қилинган бўлса, ҳарбий коллегияси суди бу руйхатга яна 344 кишини қўшиб, жами 509 кишининг ёстиғини қуритганлар.

Асардан ўрин олган, Россия Федерациясидаги «Мемориал» халқаро тарихий, маърифий хайрия жамияти архивидан олинган маълумотлар ҳам ниҳоятда муҳим бўлиб, улар Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссари Д.З. Апресяннинг 1938 йил 3 апрелда СССР ГУЛАГига йўллаган ҳисоботи ва 1938 йил октябр ойида Тошкентда қатағон қилинган 496 нафар ўзбекистонликлар ҳақидаги маълумотлардир.

Китобнинг иккинчи боби «ГУЛАГ лагерларидаги ўзбекистонлик маҳбуслар» деб номланган. Бу бобда 1937-1938 йилларда НКВД «учлик»лари томонидан 10-15 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган ўзбекистонлик маҳбусларнинг жазо лагерларидаги оғир қисмати ёритилган. Китобнинг кейинги бобларида совет давлатида оммавий қатағонларнинг юзага келиш омиллари ва сабаблари, унинг моҳияти, «катта террор»нинг Ўзбекистонда амалга оширилиши, Ўзбекистондан қатағон қилинганларнинг умумий миқдори ҳақида илмий назарий мулоҳазалар умумлаштирилган.<sup>5</sup>

Қуйида 1938 йилнинг қурбонига айланганлар ичида номи элга машҳур бўлган ва аянчли қисмати бир бирларига ўхшаш сиёсий-ҳарбий, жамоат арбоблари ҳамда ижод аҳлининг номоёндаларининг бир нечаси ҳақида маълумот бериб ўтилади. Токи бу даврнинг даҳшати ва бемехрлигини ҳис этиш учун уларнинг фаолияти ва тақдирига назар ташлаб ўтишимиз жоиздир. Давлат ва жамоат арбоби Турор Рисқулов 1894-йилда Етгисув (ҳозирги Олмаота) вилояти Верний уезди Шарқий Тўрғай волостида дунёга келади. 1918-1919 Туркистон АССР соғлиқни сақлаш комиссари, 1919-1920 Туркистон компартияси Мусулмонлар бюроси раиси, 1919-йил октябрдан Туркистон АССР МИК раисининг биринчи ўринбосари 1920 йилдан раиси бўлиб фаолият юритган. 20-ноябрда Туркистон АССР да Турор Рисқулов раислигида очарчиликка қарши кураш Марказий комиссияси тузилган. Турор Рисқулов бошчилигидаги бир гуруҳ коммунистлар Марказий Осиёда ўтказилган миллий-ҳудудий чегараланишга қарши чиқиб, бу ҳақидаги фикрни бир неча йиллар олдин 1920 йилдаёқ туркий халқлар ягона бўлиб, уларнинг тарихий илдизлари, дини, анъаналари ва маданияти муштаракдир, ягона Туркистонни алоҳида қисмларга ажратиб бўлмайти, деган ғояни илгани сурган эдилар. Бироқ марказ коммунистлари бу фикрни инкор этиб, уни “пантуркизм”, “панисломизм”, “буржуа миллатчилиги ва ўнг оғмачилиги” деб баҳолаган эдилар. Турор Рисқуловнинг дадил ҳаракатларини ёқтирмаган марказ уни Москвага чақиртириб олади ва 1920-йил августдан - 1922-йил июлгача Рисқулов унга РСФСР Миллий ишлар халқ комиссарлигининг иккинчи ўринбосари, 1920-йил август -1922-йил июл комиссарлигининг Озарбайжондаги мухтор вакили лавозимлари берилди. Кейин ўз юртига қайтишга руҳсат берилади. 1922-йил сентябр -1924-йил январ Туркистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси вазифасида ишлай бошлади. 1924- йилда яна Москвага чақириб олинди, Коминтерн (Коммунистик Интернационал) ижроия кўмитасида, Ўрта Шарқ бўлимининг Монголиядаги фавқулдда вакили бўлиб ишлайди. Хаттоки Манголия пойтахтининг ҳозирги “Улан батор” номи ҳам айнан Турор Рисқуловнинг ташаббуси билан номланган. Бу пайтда

Монголия пойтахтининг номи “Урга” деб аталган. Турор Рискулов пойтахтни қайта номлаш каби масъулиятли вазифани қатъият билан ўз қўлига олади. Аввалига пойтахт номини “Батор хото” яъни ботир шаҳри, баҳодир юрти деб номлашмоқчи бўлишади. Бу билан улар Чингизхон номига урғу беришга ҳаракат қилишади. Аммо Турор Рискулов бу ном истилочилик характериға эға эканлиги, қурилиш ва ривожланиш йўлидан бораётган халқнинг пойтахтиға мос эмаслигини айтиб, бу номға “Улан” яъни қизил сўзини қўшишлариға эришади. Шундай қилиб пойтахт “ Улан ботор хато” деб номланади. Вақт ўтиши билан “хато” термини тушиб ҳозирги номи келиб

чиқади.

1926-1937 РСФСР ХКС раисининг ўринбосари бўлиб фаолият олиб боради. 1937-йил 21-майда Туркистондаги „Иттиҳоди тараққий“ миллатчилик ташкилотига алоқадорлик ва „пантуркизм“, контрреволюция ва террористик фаолиятда айбланиб, ҳибсға олинади. 1938 йилнинг 8-февралида суд жараёни бор йўғи 14 дақиқа давом этди ва халқ душмани деб эълон қилинди. 10-феврал куни ўлдирилди.<sup>6</sup> Турор Рискулов каби халқи учун жон куйдирган ва совет ҳокимиятиға хизмат қилиб ўз элининг манфаатини химоя қилган давлат арбоблари жуда кўп бўлган. Уларнинг кўпи 1937-1939 йил оралиғининг турли оралиғида йўқ қилинганлар.

Неға бу каби қобилият, қатъият эгалари аввал бошидан ўлдирилмади? -деган табиий савол туғилади. Чунки эндиғина дунёға келган ва жаҳон ҳамжамиятининг қаттиқ қаршилиғиға учраб турган давлат ўз пойдеворини мустахкамлаб олиши учун вақт керак эди ва халқни кўтарилиб кетишини олдини олиш учун маҳаллий кадрлар зарур эди. Халқ уларнинг ортидан эргашар, уларға ишонар эди. Шундай қурбонлардан бири, совет ҳокимиятининг адолатиға ишонган яна бир сиёсий арбоблардан бири Файзулла Хўжаевдир.

Файзулла Убайдуллаевич Хўжаев 1896 йили Бухорода дунёға келган. Атоқли давлат ва сиёсат арбоби, Бухоро жадидчилигининг фаол иштирокчиси, „Ёш бухороликлар“ партиясининг раҳбарларидан бири эди. 1920-йил 2-сентябр -1924-йил 27 октябрғача Бухоро Халқ Совет Республикаси Халқ Нозирлар Кенгаши Раиси, 1924-йил 27-октябр -1937-йил 17-июнғача Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети Раиси, 1925-йил 21-май -1937-йил 17-июнғача Ўзбекистон ССР номидан СССР Марказий Ижроя Қўмитаси Раиси лавозимларида фаолият олиб борган. Хўжаев 1937-йил 9 июлда Москвада қамоққа олинди. Унга Советларға қарши „Ўнг троцкийчи блок“ фаолиятиға қўшилганлиги ҳамда „Миллий иттиҳод“ ташкилоти фаолиятиға раҳбарлик қилганлик, „босмачилик“ ҳаракати ва кўрбошиларни қўллаб-қувватлаганлик, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа ўзбек зиёлилариға ғамхўрлик кўрсатганлик каби айблар қўйилди ва отишға ҳукм қилинди. Ҳукм Москва атрафидаги Бутово қатлгоҳида 1938-йил 15-мартда ижро этилган. Қабрининг қаердалиги номаълум.<sup>7</sup>

Бу даврда Файзулла Хўжаевнинг назарига тушган. Унинг раҳбарлиғида ишлаган кўплаб инсонлар қатон қурбонига айланади. Шулардан бири 58 ёшли биринчи ўзбек фотографи, киномотаграфия соҳасиға улган хисса қўшган Худойберган Девоновдир. Ўзбек киносини асосчиси 1979 йилда туғилиб, ўзидан жуда қимматли материаллар қолдирган. У 1937 йилда

ҳибса олинб, Янгийўлдаги сиёсий маҳкумлар лагерига 1938 йилда юборилади. Унга НКВД томонидан аксилинқилобчи ташкилот раҳбарлари Файзулла Хўжаев ва Давлат Ризаевнинг топшириғи асосида Англия разведкаси фойдасига жосуслик қилгани, Хоразмда босмачилик ҳаракатини ташкил қилгани, босмачилар етакчиси Жунаидхон билан шахсан алоқада бўлгани каби айблар қўйилади.

1938 йил 5 сентябрда, атиги 20 дақиқа давом этган судда Худойберган Девонов Ўзбекистон ССРни СССРдан ажратиб олиб, буржуа давлатни барпо этиш мақсадини қўйган аксилинқилобий, миллатчилик, кўзғолончилик, террорчилик ва диверсия-зараркунандачилик ташкилоти билан алоқа ўрнатганликда, туманма-туман кезиб, инглиз разведкаси учун жосуслик маълумотларини тўплаганликда айбдор деб топилади. Мол-мулки эса давлат фойдасига мусодара қилинади.<sup>8</sup> 1940 йилда Янгийўлдаги сиёсий маҳбуслар лагерига вафот этади.<sup>9</sup> Бу даврда ҳарбийлар ҳам сиёсий арбоблар сингари қатоғонга дучор бўлганлар. Булардан бири Миркомил Миршароповдир. ХХСР ҳарбий ишлар ноziри, алоҳида ўзбек отлик аскарлар полкининг командири ва комиссари, 19-тоғли отлик Ўзбек дивизияси командири лавозимларида ишлаган Миркомил Миршаропов совет режими тамонидан Майкопда 1937 йил 28-октябрда қамоққа олинди. У Ўзбек дивизиясини миллийлаштириш ва бу дивизия ёрдамида Ўзбекистонни СССР таркибидан ажратиб олиш ва мустақил давлатни барпо этишга уринишга айбланди. Дастлабки Ўзбек дивизияси тарқатиб юборилди ҳамда Миркомил Миршаропов бошчилигида 18 нафар ўзбек ҳарбий командирлари ва аскарлари Тошкент атрофида 1938 йил 10-октябрда отиб ташланган.<sup>10</sup> Сиёсий ва давлат арбоблар қаторида нодир истедод эгалари бўлган зиёлиларнинг жисмонан йўқ қилиш йили бўлди бу йил. Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Элбек, Боту, Исҳоқжон Тўра каби кўплаб ёзувчилар “Миллатчилик”, “аксилинқилобчи” ликда айбланганлар. Шулардан ҳозиргача эшитганда танага қалтироқ солувчи воқеа адабиётнинг уч ёрқин юлдузининг бир кунда қатл этилиши ва расмиятчилик учун қатлдан бир кун ўтиб, суд қарорининг эълон қилиниб имзоланишидир. Булар Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитратлардир. Улар 1938 йилнинг 4-октябр куни отилиб, 5-октябрда ҳукм ўқилган. Бундай кўплаб буюк шахсларнинг йўқ қилиниши адабиётимизда тиклаб бўлмас йўқотиш эди. Шу ўринда шу уч адиб хаётига тўхталиб ўтсак. Абдулла Қодирий Ўзбек романчилигининг асосчиси 1894- йил 10-апрелда Тошкентда боғбон оиласида дунёга келади. Унинг „Тўй“, „Аҳволимиз“, „Миллатимга“, „Фикр айлагил“ каби шеърлари, „Бахтсиз куёв“ драмаси, „Жувонбоз“ ҳикояси, „Ўткан кунлар“, „Меҳробдан чаён“ романлари хақиқий адабиёт дурдоналаридир.<sup>11</sup>

1926-йилда “Муштум” журналида чиққан “Йиғинди гаплар” мақоласидаги “юқори раҳбарларга тегадиган қалтис гаплари учун айрим ҳамкасбларининг чақувлари оқибатида адиб 1926-йили 8-март куни қамоққа олинади. 1926 йил 15-17-июнда бўлиб ўтган судда сўзлаган нутқида: *Сўзимнинг охирида одил судлардан сўрайман: Гарчи мен турлик бўхтон, шахсият ва сохталар билан, ҳам англашилмовчилик орқасида, иккинчи оқланмайдургон бўлиб қораландим. Лоақал уларнинг, қораловчи*

қора кўзларининг кўнгли учун бўлса ҳам, менга энг олий бўлгон жазони бера кўрингиз. Кўнглида шамси зубороти, тескарчилик мақсади бўлмогон содда, гўл, йигитга бир қадар хўрликлан ўлим тансиқроқдир. Бир неча шахсларнинг орзусича, маънавий ўлим билан ўлдирилдим. Энди жисмоний ўлим менга кўрқинчли эмасдир. Одил судлардан мен шуни кутаман ва шуни сўрайман. ... Мен тўзрилиқ орқасида бош кетса “эх” дейдиган одам эмасман”. 1926 йил 16-июн, Самарқанд. Шундан кейин Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижодида нисбатан ўзгариш юз беради. Ижтимоий ҳаётга аралашуви, матбуотдаги фаоллиги нисбатан сусаяди. Адиб 1937 йил 31-декабр куни яна ҳибсга олинади. У: менга қўйилган айбларни бошдан-оёқ рад этаман. Ҳақиқат йўлида ҳар қандай, ҳеч қандай жазодан, қийноқдан кўрқмайман. Агар отмоқчи бўлсаларинг кўкрагимни кериб тураман...” деб мардона туради.<sup>12</sup>

Қодирий билан бир кунда ўзининг қора тақдирини кутиб олганлардан бири Абдурауф Фитрат. Абдурауф Фитрат 1886, Бухоро шаҳрида дунёга келади. Ўзбек тарихчиси, филолог, таржимон, ёзувчи, драматург ва шоир, замонавий ўзбек тили ва адабиёти асосчиларидан бири, Ўрта Осиё жадидчилигининг таниқли вакиллари билан, биринчи ўзбек профессори. Жадидчилик миллий маърифатпарварлик ҳаракатининг тарафдори бўлган. Унинг „Мавлуди Шариф“, „Або Муслим“, „Беғижон“ асарлари билан машҳур бўлди. Дастлабки шеърлари „Ойна“, „Тараққий“, „Садои Туркистон“, „Турон“, „Хуррият“, „Бухорои Шариф“ каби газета ва журналлар саҳифаларида эълон қилинган. „Мунозара“, „Сайха“, „Сайёҳи ҳинди“, „Раҳбари нажот“, „Тарихи Исломи“ асарлари ўша даврдаёқ халқ орасида кенг тарқалди. Ҳорижий тилларга ҳам ўғирилди. „Абулфайзон“, „Шайтоннинг Тангрига исёни“, „Арслон“, „Шўриши Восе“, „Тўлқин“ пьесаларини ёзди. „Оила“, „Ўқу“, „Шарқ сиёсати“, „Йиғла, Исломи“, „Мухтасар Исломи тарихи“ сингари асарларни ёзган. Фитратнинг бадиий ва илмий адабиёт, наср, драматургия, ижтимоий публицистика, педагогика, тарихшунослик, мусиқа санъатига қўшган хиссаси беқиёсдир. Фитрат илғор демократик ғоя ва фикрлари учун кўпчилик жадидлар қаторида шаккоклик ва исёнкорликда айбланди. 1929-йили „Қизил Ўзбекистон“ рўзномасининг 3-сонида Ж.Бойбўлатов қаламига мансуб „Ўзбек адабиётида чиғатойчилик“ номли мақола нашр этилган. Мақола Фитратнинг „Ўзбек адабиёти намуналари“ асарига танқидий руҳда ёзилган. Яъни Фитрат марксизмни инкор қилишда, ўтмишни идеаллаштиришда, буржуа миллатчилиги ғоялари ташвиқотида айбланади. Мақола муаллифи бўлган Фитрат ва китобга сўзбоши ёзган Отажон Ҳошим матбуотда қарши жавоб раддия билан чиқадилар. 1930-йилдан эса унга сиёсий айбловлар қўйила бошланди. Ёзган бир қанча ишлари унинг „аксилшўровий“ фаолиятига „ашёвий далил“ сифатида тилга олинди. „Шарқ ҳақиқати“ рўзномасининг 1930-йилги 180-, 182-, 183-сонларида Ж.Бойбўлатовнинг „Ўзбекларнинг адабий мероси“ байроғи остидаги пантуркизм" сарлавҳали мақоласи босилди. Ж.Бойбўлатов яна Фитратнинг изига тушди. 1923-йилдаги „айб“ларини кўзғади, судга тортилмай қолганини эслатди, шоирни „синфий душман“ деб эълон қилди. „Ўзбекларнинг адабий мероси“ асарини „Қуръон“ни нашр қилиш пролетариат ишига қанчалик хиёнат бўлса, мазкур „Ўзбек



адабиёти намуналарининг чоп этилиши ҳам шунчалик жинойтдир“, деган хулоса чиқарди. Ушбу мақоланинг русча таржимадаги бир нусхаси кейинчалик Фитратни айбловчи ҳужжат сифатида унинг „Жиноий иши“ га илова қилинган. Адабиётшунос, жамоат арбоби Отажон Ҳошим ҳам 1937-йил 2-августда "халқ душмани" сифатида қамоққа олинадиган ва кўп ўтмай Тошкентда отиб ташланади.<sup>13</sup>

Коммунистик мафкура ҳумрон бўлган шўролар даврида, миллатчиликда, пантуркизм ғояси тарафдори, „халқ душмани“ деган тухматлар билан айбладилар. Профессор Ҳ.Ёкубовнинг ҳикоя қилишича, Фитратни 1937-йилгача унинг дўсти Файзулла Хўжаев ўз ҳимоясига олиб келган. 1937-йилда кўпчилик қатори Фитрат ҳам НКВД томонидан қамоққа олинган. Иосиф Сталиннинг 1938-йил 28-мартдаги „Отувга ҳукм қилинганлар рўйхати“ га тушган. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат 1938-йил 4-октябр куни Тошкент шаҳрининг ҳозирги Юнусобод тумани Бўзсув қирғоғидаги қатлгоҳда отиб ўлдирилди. Уни ўлимга маҳкум қилиш ҳақидаги суд қарори бир кундан кейин яъни 1938-йилнинг 5-октябрида имзоланди.<sup>14</sup>

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Юнусов 1897-йилда Андижоннинг Қатортерак маҳалласида зиёли оиласида дунёга келган. Адибнинг ижоди 1913-1914-йиллардан бошланган бўлиб, у аввал «Қаландар», «Мирзақаландар», «Андижонлик» ва ниҳоят Чўлпон (Тонг юлдузи) таҳаллуси билан ижод қила бошлади. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халқи адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Унинг дастлабки асарлари «Садои Туркистон», «Садои Фарғона» каби маҳаллий рўзномаларда, шунингдек, Оренбургда чиқадиган «Шўро» номли ойномада ҳам нашр этилади. Хусусан, Чўлпоннинг «Иштирокиюн», «Қизил байроқ», «Туркистон» ҳамда «Бухоро ахбори» каби рўзномалардаги фаолияти ҳам унинг ижодий шаклланишида маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилди.<sup>15</sup> 1914-йил Тошкентда Мунаввар Қори Абдурашидхонов ва Убайдулла Хўжаев билан танишиш Чўлпоннинг миллий уйғониш ҳаракати намояндаси сифатида шаклланишида муҳим омил бўлган. Чўлпон „Садои Туркистон“ газетасида дастлабки „Туркистонли қардошларимизга“ шеъри, „Қурбони жаҳолат“, „Дўхтир Муҳаммадёр“ ҳикоялари ва „Адабиёт надир?“ мақоласини эълон қилиб, шу давр адабиёти намояндалари сафидан ўрин эгаллаган. Чўлпоннинг шеърий асарлари „Ўзбек ёш шоирлари“, „Уйғониш“, „Булоқлар“, „Тонг сирлари“ ва „Соз“ тўпламларида, шунингдек, турли газета ва журналларда эълон қилинган. „Ойдин кечаларда“, „Қор қўйнида лола“, „Новвой қиз“ сингари ҳикоялари „Вайроналар орасидан“ каби қатор очерк ва публицистик мақолалар, „Темирчи“, „Гуноҳ“, „Чўрининг исёни“ сингари кичик сахна асарларини ёзди. Чўлпоннинг „Ёрқиной“, „Халил фаранг“, Ўлдирувчи, „Севги ва салтанат“, „Чўпон севгиси“ песалари майдонга келди. „Турон“ театрига директорлик қилган йилларида сахна саъяти ва драматургия сирларини, шунингдек, рус тилини пухта эгаллагани туфайли 1924-йил Москвада ташкил этилган ўзбек драма студиясига адабий эмакдош этиб юборилди. У ҳали рус тилини билмаган ватандошларига москвалик машҳур артист ва режиссёрларнинг маърузаларини таржима қилиб беришдан ташқари, ўзи ҳам студиячилар учун сахна асарлари ёзиб, рус ва европа драматургларининг песалари К.Готси, „Маликаи Турондот“, Николай Гогол, „Терговчи“, Владимир Билл

Белоцерковский, „Лаббай“, Молер, „Хасис“ни таржима қилиб берди. Шунингдек, Чўлпон моҳир таржимон сифатида М. Горкийнинг «Она», А. Пушкиннинг «Дубровский» қиссаси ва «Борис Годунов» каби песаларини ҳамда Шекспирнинг машҳур «Ҳамлет»ини ўзбекчага ўгирган.<sup>16</sup>

Ўзидан ўлмас ёзма асарлар қолдирган Чўлпондек шахс ҳам доими таҳликада яшашга мажбур бўлади. Ҳар жиҳатдан эзилган шоир, ўзининг терговда берган маълумотига кўра Ф. Хўжаевга мурожат қилишга мажбур бўлади. “ 1931 йилда мени матбуотда буржуа миллатчиси, аксилинқилобчи сифатида, айниқса, фаоллик билан фош этганларида, мен шикоят қилиб ва ёрдам сўраб Файзулла Хўжаевнинг хузурига бордим. Файзулла Хўжаев мени юпатиб 300 сўм пул берди ва вақтинча Тошкентдан чиқиб, Москвага боришимни маслаҳат қилди ҳамда жамоатчилик мени хийла ёддан чиқаргач қайтиб келишимни буюрди”. 1931-1934- йилларда Иттифоқ Халқ комиссарлари советида таржимон бўлиб ишлади. 1934 йил охирида Тошкентга қайтиб, маъшум 1937 йилнинг июлида ҳибсга олинади. 1938 йилнинг 4-октябрида отиб ташланади.<sup>17</sup>

Шу тарика адабиётнинг ёрқин йулдузларининг умрига хотима ясалади. Қатағонлик йилларида мамлакатимизда “Ўн саккизлар гуруҳи”, “Бадриддиновчилик”, “Қосимовчилик”, “Норкомпрос”, “Иноғомовчилик”, “Миллий иттиҳодчилар”, “Ботир гапчилар” сингари ишлар уюштирилди. Истеъдодлар жонига тажоввуз қилинди, халқ руҳан синдирилди. XX асрнинг 20-30 йиллари СССР таркибидаги барча халқлар учун мусибатли келди. Таълим соҳаси ва суд-ҳуқуқ соҳасининг раҳбар вакиллари, диндорлар, олимлар, ёзувчилар, шоирлар, ҳарбийлар, сиёсатчилардан тортиб, оддий жамоат арбобларигача бу қатағон машинасининг домига тушиб бораверди. 30-йилларнинг турли вақтларида ҳалок бўлган номоёндалар жуда кўп. Аммо 1938 йилда мамлакат энг илғор ва қобилият эгаларидан айрилди. Бу мамлакат учун шу қадар катта фожеа эдики, уларнинг ноҳақ кетган жонларини, ёзилмаган асарлари, қилинмаган ишлари учун “-эссиз” дейишдан бошқа калом тамолмайсиз. Афсуски бу йил, бешавқат ва аёвсиз йилларнинг сўнги ҳам эмас эди.

1

<https://e-tarix.uz/vatan-tarixi/478-vatan-tarixi.html>

(Mas’ul muharrir: Nasrullaev Maxmud Ubodullaevich – (SamDU) dotsent, t.f.n.)

<sup>2</sup> “Ўзбекистон тарихи” 10 синф дарслиги Қ.Ражабов, А. Замонов. Тошент -2017 йил

<sup>3</sup>Сталинский удар: 80 лет назад в СССР начался Большой террор Артем Кречетников Русская служба Би-би-си, Москва. 31 июля 2017.

<sup>4</sup><https://ru.wikipedia.org/wiki>

<sup>5</sup><https://www.facebook.com/>

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ. ИСТОРИЯ УЗБЕКИСТАНА. HISTORY OF UZBEKISTAN

Мустабид тузум қатағонлари тарихимиз

кўзгусида

Толибжон Мадумаров, биология фанлари доктори, профессор,

Абдулхамид НУРМОҢОВ, филология фанлари доктори, профессор,

Ўктамжон УБАЙДУЛЛАЕВ, тарих фанлари номзоди, доцент.



<sup>6</sup> [https://ru.wikipedia.org/wiki/Рыскулов, Тураp Рыскулович](https://ru.wikipedia.org/wiki/Рыскулов,_Тураp_Рыскулович)

<https://e-history.kz/ru/news/> Жены и дети Тураpа Рыскулова

<sup>7</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Fayzulla\\_Xo'jayev](https://uz.wikipedia.org/wiki/Fayzulla_Xo'jayev)

<sup>8</sup>

<https://m.kun.uz/news/>

Худойберган Девонов - биринчи ўзбек фотографининг бой ижоди ва аянчли қисмати  
*Нурмухаммад Саид.*

<sup>9</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

<sup>10</sup> “Ўзбекистон тарихи” 10-синф дарслиги. Қ. Ражабов, А. Замонов.

<sup>11</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Abdulla\\_Qodiriy](https://uz.wikipedia.org/wiki/Abdulla_Qodiriy)

<sup>12</sup> “Жадидлар” туркумидан, “Абдулла Қодирий”. Баходир Каримов.

Ёшлар нашриёт уйи Тошкент-2022 йил.

<sup>13</sup> “Жадидлар” туркумидан, “Абдурауф Фитрат” Ҳамидулла Болтабоев.

Ёшлар нашриёт уйи Тошкент-2022 йил.

<sup>14</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Abdurauf\\_Fitrat](https://uz.wikipedia.org/wiki/Abdurauf_Fitrat)

<sup>15</sup> <https://corp.uzairways.com/uz/> Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон

<sup>16</sup> [https://uz.wikipedia.org/wiki/Abdulhamid\\_Cholpon](https://uz.wikipedia.org/wiki/Abdulhamid_Cholpon)

<sup>17</sup> “Жадидлар” туркумидан, “Абдулҳамид Чўлпон” Дилмурод Қуронон.

Ёшлар нашриёт уйи Тошкент-2022 йил.